

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

2022 й. «7» 9

488-12-217-ХТ/2022-сон

Хива ша.

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Хива шаҳар ХТБ» номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари **З. Раҳимова** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Соёт Ок-қуш» МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари **И.Озодов** иккинчи томондан «Хива шаҳар ХТБ»га қарашли **1-6-7-10-12-16-17-18-сон ўрта мактаблар биноларини** жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади;

**-ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**-қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

**-вакцинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини булиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Хива шаҳар ХТБ»га қарашли **1-6-7-10-12-16-17-18-сон ўрта мактаблар биноларини** қузда тутилган лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **132 000 000 (Бир юз ўттиз икки миллион сўм)** сўмни ташкил этади:

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узгартирилганда.



5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномави нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
  - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
  - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
  - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
  - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилганини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
  - қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
  - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
  - қурилиш майдони қурикланишини таъминлаш;
  - қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини Буюртмачига тақдим қилади.
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилгани ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилганини устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;



- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдидан тулик мулкӣ жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик қучга қиради.
14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради
15. Объектни 2022-йил 11-октябрда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

#### **VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР**

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдоридан аванс ўтказилади, бу **39 600 000 (Ўттиз тўққиз миллион олти юз минг)** сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банк қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосидан амалга оширилади. (1,2-иловалар)
19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқӣ бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ўшлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ўшбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва ўшбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъӣ сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифӣ йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ўстидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунотазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида қўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.



28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда чечкичикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечиикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниси, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

#### **XI. КАФОЛАТЛАР.**

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорда жарима солиш хукукига эга.



## **ХII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.**

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан кун вақтга кечиктирилганда;
  - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кунга келган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
  - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қилинган меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;
  - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кура тугалланмаган қилинган ишларнинг бир ой муддатда Буюртмачига берилди, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қоида-қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **ХIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Иккинчи томонга етказилган зарарни қоплайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

42. Мазкур шартномада қўрилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Пеня тўланиши Буюртмачи шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

43. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

44. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчининг бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилинмайди.



45. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи “Даварҳитектқурилишназорат” инспекциясининг ҳуласаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

46. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада кўзда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан ыопланмаган зарарларни ыоплайди.

47. Муддат шикостиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тазда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.**

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қелишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

#### **XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

52. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни қечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қелишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига Қ.Қ.С. туғрисида узгартиришлар қиритилса қайта қуриб қикилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қулланилади.

56. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилиқдан руйҳатдан утгандан кейин юридик қучга қиради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал қилади.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлиб 2 нусхада тузилди.

#### **XVI. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БҲЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

58. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар қоррупсияга қарши қурашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя етилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташқилот қодимига қара бериш ёки қара беришда қоситачилиқ қилиш, моддий ёки қомоддий наф олишдан тийилиши қозим. Томонлар ушбу қаракатларнинг олдини олиш бўйича қоратдбирлар қабул қилинишини қақолатлайди.

59. Томонлар қоррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли қумонлар йузага қелганда дарҳол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини ҳабардор қилиш мажбуриятини



олади. Бунда томонлар йузага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига ега ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

60. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф етилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига ега ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

### ПУДРАТЧИ:

«Соёт Оқ-қуш» МЧЖ

Манзили: Урганч шаҳри Аз-Замахшарий кўчаси 4А  
Тел/факс : +998 91 277 00 10  
х/в : 20208000200461763001  
Банк номи : АТБ Қишлоқ қурилиш банк БАБ  
МФО : 01037 СТИР : 303318938  
ОКОНХ : 61110

### БУЮРТМАЧИ:

«Хава шаҳар ХТБ»

Манзил: Хива шаҳар Р. Мажидий 12  
Тел/факс 377 65 72  
х/в 100022860334067092100075021  
бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 305073143  
ОКОНХ 84112  
Газн. бўлими номи: Молия Вазирлиги Газначилиги  
Газна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи Марказий Банк Тошкент  
МФО 00014  
Газначилик булинмаси СТИР и 201122919

Рахбар

И. Озодов

(ИМЗО)



Рахбар

З. Рахимова

(ИМЗО)





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

№

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Xiva shahar xalq ta'limi bo'limiga qarashli 1-6-7-10-12-16-17-18-son umumiy o'rta ta'lim maktabining binosini joriy ta'mirlash bo'yicha «Sayot oq-qush» ma'suliyati cheklangan jamiyati tomonidan bajarilishi to'g'risidagi shartnoma loyihasi.

- 3 Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Xiva shahar halq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 7-sentabr kuni ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti**



**U.Babayev**

*2022-yil 7-sentabr*



Хива шаҳар ХТБ га қарашли 1-6-7-10-12-16-17-18-сон мактаблар биносини жорий таъмирлаш бўйича "Соёт Оқ-қуш" МЧЖ ойлар давомида бажариш графиги

(минг сум)

| Т/р | Объект номи ва манзили   | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун молиялаштириш киймати |        |      |         |     |     |         |        |         |         |       |            |            |
|-----|--|--------------------------|-------------------------------------|--------|------|---------|-----|-----|---------|--------|---------|---------|-------|------------|------------|
|     |  |                          | 1-чорак                             |        |      | 2-чорак |     |     | 3-чорак |        |         | 4-чорак |       |            |            |
|     |  |                          | Январ                               | Феврал | Март | Апрел   | Май | Июн | Июл     | Август | Сентябр | Октябр  | Ноябр | Декабр     |            |
| 1   | 2  | 3                        | 4                                   | 5      | 6    | 7       | 8   | 9   | 10      | 11     | 12      | 13      | 14    | 15         |            |
| 1   | Хива шаҳар ХТБ га қарашли 1-6-7-10-12-16-17-18-сон мактаблар биносини жорий таъмирлаш ишлари | 132 000.000              |                                     |        |      |         |     |     |         |        |         |         |       | 85 800.000 | 46 200.000 |



Пудратчи:





Хива шаҳар ХТБ га қарашли 1-6-7-10-12-16-17-18-сон мактаблар биносини жорий таъмирлаш бўйича "Соёт Оқ-қуш" МЧЖ  
ойлар давомида молиялаштириш графиги

(минг сум)

| Тр | Объект номи ва манзили   | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун молиялаштириш киймати |        |      |         |     |     |         |        |         |            |            |        |
|----|--|--------------------------|-------------------------------------|--------|------|---------|-----|-----|---------|--------|---------|------------|------------|--------|
|    |  |                          | 1-чорақ                             |        |      | 2-чорақ |     |     | 3-чорақ |        |         | 4-чорақ    |            |        |
|    |  |                          | Январ                               | Феврал | Март | Апрел   | Май | Июн | Июл     | Август | Сентябр | Октябр     | Ноябр      | Декабр |
| 1  | 2  | 3                        | 4                                   | 5      | 6    | 7       | 8   | 9   | 10      | 11     | 12      | 13         | 14         | 15     |
| 1  | Хива шаҳар ХТБ га қарашли 1-6-7-10-12-16-17-18-сон мактаблар биносини жорий таъмирлаш ишлари | 132 000,000              |                                     |        |      |         |     |     |         |        |         | 85 800,000 | 46 200,000 |        |



Бюролмачи



Гудратчи: